www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 1, 2023

ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ КАНДАЙ

ADU Tarix fakulteti
Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish hamda boshqarish yo'nalishi
3-kurs talabasi **Suvonova Ozoda Shuxrat qizi**

ozodasuvonova55@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек маданияти ривожланиш жараёнларини акс эттирган илмий изланишлар, соҳани ўрганишда муҳим аҳамият касб этаётган методологик асослар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: археология, ёзма ёдгорликлар, этнографик материаллар, халқ оғзаки ижоди, формация, концепция, “Авесто”, миллий қадриятлар, маънавият.

Abstract. This article analyzes the scientific research that reflects the development of Uzbek culture, the methodological framework that plays an important role in the study of the field.

Keywords: archeology, written monuments, ethnographic materials, folklore, formation, concept, "Avesto", national values, spirituality.

Кириш;Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ривожланиш сиёсатининг стратегик мақсади мустаҳкам маънавий-ахлоқий қадриятлар негизида янги жамият барпо этишдир. Мусиқий маданиятни юксалтириш, олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишда, мамлакатда демократик тамойилларни қарор топтиришда ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий ва диний-маърифий қадриятларини қайта тиклаш ва буюк аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий, маданий меросини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бунда Ўрта Осиёда яшаб, ижод қилган санъат намоёндаларининг илмий-маданий мероси, шунингдек, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга ёрдам берадиган миллий мусиқа санъати муҳим аҳамият касб этади. “Нега деганда, агар инсоннинг қулоғига енгил елпи, тумтароқ оҳангларга ўрнашиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охироқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини... қабул қилиши қийин бўлиб қолади”

Халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ўзига хос ривожланиш босқичини, турмуш тарзини, фалсафа ва ўзига хос маданиятни яратди. Ана шу ўзига хос миллийлик, айниқса, унинг мусиқа маданиятида тўла намоён бўлгандир. Шунинг учун ҳам миллий мусиқасиз халқ руҳини кўтариб, унинг қалбига йўл топиб ва уни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиб бўлмайди, чунки миллий мусиқада у халқнинг асрлар оша тўплаган ҳиссий билим ва тажрибалари, қувонч ва ташвишлари, дард ва аламлари ўз ифодасини топгандир.

Бугунги кунда миллий мусиқамизнинг комил инсон шахсини шакллантиришдаги аҳамияти ва ролига янгича ёндашиш ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Мусиқа оламни билиш, ҳис қилиш, идрок этиш ва унинг гўзалликларидан лаззатланишнинг алоҳида бир шаклидир.

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 1, 2023

Халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ўзига хос ривожланиш босқичини, турмуш тарзини, фалсафа ва ўзига хос маданиятни яратди. Ана шу ўзига хослик миллийлик, айниқса, унинг мусиқа маданиятида тўла намоён бўлгандир. Шунинг учун ҳам миллий мусиқасиз халқимиз руҳини кўтариб, унинг қалбига йўл топиб ва уни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиб бўлмайди, чунки миллий мусиқада у халқнинг асрлар оша тўплаган ҳиссий билим ва тажрибалари, қувонч ва ташвишлари, дард ва аламлари ўз ифодасини топгандир

Сўнгги йилларда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқ бўлмоқдаки, Ватанимиз ҳудудида қадимги цивилизациянинг пайдо бўлиши ва шаклланиши узоқ асрларни ўз ичига олади. Ватанимизнинг энг қадимги даврларига - илк тош асрига оид бўлган Селунғур, Кўкбулоқ, Кўтирбулоқ, Учтут каби маконлар очилдики, улардаги топилмаларга қараб, ҳақли равишда Марказий Осиё одамзоднинг илк аждодлари пайдо бўлган минтақага киради, деган ғояни илгари суриш имконияти туғилади. Бу минтақада яшаган қадимги қабилалар балиқчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятларини эгаллаганлар. Эслатиб ўтамиз илк мусиқий фольклор намуналари асосан ўтроқ халқлар ижтимоий ҳаётида учраган.

Ўзбек халқига хос Марказий Осиё икки дарё оралиғидаги ирқнинг шаклланиш даври, макони ва тарихи масалаларида фанда яқингача ягона фикр йўқ эди. Бир гуруҳ олимлар бу ирқ бундан 6-8 минг йил илгари, иккинчи гуруҳ мутаҳассилар 3 минг йил илгари шаклланган деса, учинчи бир гуруҳ олимлари эса XVI асрда шаклланди деб ҳисоблар эдилар. Антропологик изланишлар натижасида муаллифлар икки дарё оралиғи ирқининг шаклланиши, жуда бой антропологик маълумотлар асосида, бундан 2200-2300 йил илгари бошланганини исботладилар. Қатор илмий асарларда ўзбек халқининг шаклланишида саккиз мухим давр санаб ўтиларди. Булар қаторида Аҳмонийлар, Искандар, Араблар ва Мўғуллар истилоси тилга олинади. Ҳақиқатдан, бу забт этишлар Марказий Осиё халқлари маданиятига, тилига, турмуш тарзига албатта шу билан бирга аждодларимиз мусиқа маданияти шаклланиш ва ривож топиш омилларига ўз таъсирини ўтказган. Аммо бу юришларнинг маҳаллий халқларни ирқий ва этник тарихига бўлган таъсири кам бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Материаллар ва усуллар:Бевосита Марказий Осиёда ибтидоий жамоа тузуми даврига оид тадқиқотлар ҳусусида тўхтар эканмиз, А.Окладников, В.Массон, В.Ранов, Я.Ғуломов, Ў.Исломов, А.Асқаров, М.Қосимов ва бошқа олимларнинг Марказий Осиё ҳудудида ибтидоий одамнинг тарқалиш жараёни, қадимги маконларнинг географик жойлашуви, тошдан қуроллар ясаш услублари хўжаликнинг ривожланиши ва оилаларнинг пайдо бўлиши, ибтидоий мафкура, хўжалик турлари, металлнинг ҳунармандчиликка кириб келиши масалаларига бағишланган тадқиқотларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу даврни ўрганишнинг ўзига хос ҳусусияти, уни қадимги муаллифлар қолдирган ёзма манбалар асосида ўрганиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бу давр тарихини ўрганишда археология, антропология, этнография каби фанларнинг аҳамияти каттадир. Бу фанлар тўплаган материалларни солиштириш усули билан узоқ ўтмишдаги моддий ва маънавий маданиятнинг кўпгина томонларини тиклаш мумкин. Академик А.Муҳаммаджонов ёзишича Ўрта Осиё халқларининг, Марказий Осиёда энг қадимги давлат уюшмаларнинг пайдо бўлиши жуда муҳим масаладир. И.А.Каримовнинг “Ҳозирги давр давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз лозим” деганлари минг бор ҳақиқатдир. Чунки Марказий Осиёдаги илк давлат уюшмалари ҳақидаги ёзма маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Баъзи бир илмий

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 1, 2023

адабиётларда Марказий Осиёда Эрон аҳмонийларигача қадимги давлат уюшмалари бўлганми ёки бундай давлат уюшмалари мавжуд эмасмиди деган муаммо ҳозиргача тўла ечимини топган эмас. Маълумки, Марказий Осиёда илк давлат тузуми вужудга келишини ёритиб берадиган асосий ёзма манба “Авесто” ва қадимги дунё муаллифлари қолдирган маълумотлардир. Мавжуд ёзма манбалар, археологик тадқиқотлар билан солиштирилганда бу маконда қадимги давлат уюшмалари бўлганлигини исботловчи ишончли далил, ашёлар мавжуд эканлиги илмий асосда таҳлил қилиб берилади. Ўтган асрнинг охири ва асримизнинг бошларида Авестодаги маълумотлар, Геродот ва Гекатей асарлари “Катта Хоразм” шунингдек, Ктесийнинг Қадимги Бақтрия подшолиги ҳақидаги маълумотлари Марказий Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши ва ушбу давр мусиқа маданиятига оид муаммоларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотчиларимиз илмий хулосаларида бу давлатларнинг шаклaниш жараёни Эрон аҳмонийларигача бўлган даврда, деб ҳисоблайдилар ва уни милоддан аввалги 9-7 асрлар билан боғлайдилар (М.Дункер, В.Томашек, Ф.Алптхайм, С.П.Толстов, М.М.Дьяканов, И.М.Дьяканов, Б.Г.Ғофуров, А.Сагдуллаев ва бошқалар). Юнон олими Геродотнинг маълумотларига қараганда, Марказий Осиёда “Ҳар томони адрлар билан ўралган текисликда қачонлардир хоразмийлар яшаган”. Кўпчилик тадқиқотчилар бу марказни ҳозирги Хоразм ўрнида бўлмасдан, жануброқда, Марв (Туркманистон) ёки Хирот (Афғонистон)да бўлган - дейишади. Бироқ, мил.авв. 2 минг йилликнинг ўрталарига яқин даврда “Катта Хоразм” давлати мавжуд бўлганлигига шубҳа қилмаса бўлади. Сополлитепадаги яна илк давлат уюшмаси Қадимги Бақтрия давлатидир. Баъзи маълумотларга қараганда, унинг таркибига Сўғд ва Марғиёна ҳам кирган. Юнон муаллифи Ктесий Бақтрия ҳақида қимматли маълумотлар беради. Тарихчи олим Бақтрия давлатидаги кўплаб шаҳарлар, мустаҳкам пойтахт шаҳар Бақтро (Балх), Бақтрия подшоси Оксиарт, унинг битмас туганмас бойликлари ҳақида ҳикоя қилади. Геродот Бақтрияни Миср ва Бобил каби йирик давлатлар қаторида тилга олади. Бақтриянинг табиий бойликлари ундан ташқари ҳудудда ёки Олд Осиёга қадар ҳам машҳур эди.

Мунозара:Саймали тош дарасидаги қоятош суръатларини биз ўрганаётган давр санъатининг илк намунаси, деб аташ мумкин. Фарғона тизма тоғларининг Кукигарт давони яқинидан топилган бу қоятошлардаги суръатлар мажмуаси қадимги Фарғона аҳолисининг бой маънавий маданиятидан яққол далолат беради. Саймали тош қоя суръатларининг илк даврига хос жуда кўп қисмини шакли мажмуалар ташкил этади ва улар ниҳоятда аниқ нуқталар билан график тарзда ифода этилган. Археологик тадқиқотларни ўрганиш орқали шу нарсалар аён бўлдики, сарой расмий тантаналари ва турмушда мусиқа катта аҳамиятга эга бўлган. Най, уд, ноғора, арора, қайрилган шох шаклидаги карнай, камонча билан чалинадиган асбоблар мавжуд бўлган. Қўшиқчилар, раққослар, кўзбўямачилар бўлган. Афросиёб шаҳарчасидан топилган лойдан ясалган ҳайкалчалар, шаклли тасвирлар, мойчироқлар ва бошқа буюмлар ўзига алоҳида эътиборни тортади.

Бу даврда Хинд дарёсининг юқори оқимидаги вилоятлар ва Марказий Осиё халқлари давлат ишларида оромий ёзувидан фойдаланганлар. Кейинроқ эса оромий ёзувидан тўртта ёзув ажралиб чиқди. Булар парфия, сўғд, бақтрия ва Хоразм ёзувлари бўлиб, улар Марказий Осиё ҳудудида салкам минг йил (араблар келгунга қадар) сақланиб қолди. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шуки, Марказий Осиё, Месопатамия, Миср, Эрон, Юнонистон, Хитой, Хиндистон маданиятларининг бир-бирига ўзаро таъсири ижобий рол ўйнайди. Омухталик бу давр маданияти ва санъати учун ҳос хусусият бўлиб, маҳаллий белгиларнинг Хиндистон, Хитой, Миср, Юнонистон маданияти унсурлари билан аралашиб кетганлигини ўзида ифодалайди. Бу борада Эрон, Хитой, Хиндистон билан

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 1, 2023

маҳаллий ҳалқларнинг тижорат-иқтисодй алоқалари ҳам катта рол ўйнаган. “Ипак йўли” - Вахш Қоратегин ва Олой водийси орқали Қашқарга, Ғарбий йўл Парфиядан Эрон орқали Сурияга олиб борган. Бошқа йўл қуйи Амударё бўйлаб давом этган. “Олтин йўл” Давон (Фарғона) орқали Иссиққўлдан ўтиб Сибирга томон чўзилган. Хиндистондан зираворлар, мушканбарлар, Хитойдан ипак матолар, темир, никел ва мўйна келтирилган. Шундай қилиб, Марказий Осиёдаги моддий ва маънавий маданиятни шаклланиши ва ривожланишида Ўрта ва яқин Шарқ халқларининг ўзаро таъсири катта бўлган. Демак, тарихимизнинг мана шундай олтин зарварақларини ўрганишимиз юртбошимиз таъкидлаганларидек, “... аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил инсонни тарбиялашдан иборат”.

Натижа:Ўзбек халқининг шаклланишидаги иккинчи муҳим давр бу IX-XII асрлар ҳисобланади. Бу даврда Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳозирги ўзбекларга хос қиёфа маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Илгари биз бу жараённи XI-XII аср этник жараёнлари билан боғлар эдик. Кейинги йилларда шу давр материалларини икки тарихий даврга IX-X ва XI-XII асрларга ажратиш муваффақ бўлинди. Натижада Ўзбекистон ҳудудида IX асрда, бизнинг тадқиқотлар бўйича, аҳолининг антропологик қиёфасида кескин ўзгаришлар юз берганлигини кузатдик. Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг тили уч марта ўзгарди Шарқий эрон тиллари ўрнига ғарбий эрон тиллари (форс тили) ва эрамизнинг биринчи асрларидан туркий тиллар кенг тарқала бошлади. Ўзбек халқининг шаклланишида учинчи муҳим давр XV аср охири ва XVI аср ҳисобланади. Бу даврда Марказий Осиёга Дашти Қипчоқ ўзбеклари кириб келади ва улар маҳаллий аҳолига ўз номини беради.

Тарихимизнинг фахрли даврларидан яна бири шарқ Ренессанс даври бўлиб, бу давр бобокалонимиз Амир Темур хукмронлиги ва асос солган буюк салтанатида фан, санъат, маданият гуллаб яшнаши учун яратилган омиллар асосида вужудга келган цивилизацияни эътироф этмай бўлмайди. Ушбу даврда мусиқа маданияти соҳасида жадал ривожланишлар Темурнинг сарой мусиқачиси Абдулқодир Марофий, унгача бўлган мақомлар тушунчасини алохида ладлар тушунчасидан дуваздахмақом яъни бир туркумга жамлаштирилган мақомлар тизими каби юксак мусиқа санъатига тегишли монументал асар вужудга келди. Маданий ҳаёт гуллаб яшнади.

Ўзбек хонликлари даврида, кейин, Россия мустамлакачилиги ва Шўроларнинг Қизил Империяси даврида ўзбек халқи пароканда бўлиб кетди. Миллийлик йўқолди. Айниқса, Шўролар даврида “ягона совет халқи”ни шакллантирмоқчи бўлган ноилмий шовинистик сиёсат даври қийин кечди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқининг миллат бўлиб ривожланиш янги даври 1991 йилдан-Республикамиз мустақилликка эришган кундан бошланди. Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирини чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди. Тарихдан маълумки, мусиқа ижрочилик санъати қадим даврлардан буён мавжуд бўлиб, бизгача узоқ, тараққиёт йўлини босиб ўтган ҳолда, ўзининг ҳозирги мукаммал кўринишида етиб келди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Фаробий ўзининг “Катта мусиқа китоби”да, Сафиуддин Урмавийнинг мусиқий рисоласида, Абдулқодир Марофийнинг “Жами алалхон фи-илм ал-мусиқий” рисоласида, Ахмадийнинг “Созлар мунозараси” номли асарида, Зайнуллобиддин Хусайний “Рисолаи дар баёни қонуни ва амалий мусиқий” рисоласида, Амулий “Мусиқий рисола”ларида мусиқа чолғуларини ўрганиш билан бирга, уни тадқиқ этиш масалалари ҳам тўхталиб ўтганлар ва ўз даврларнинг мусиқий чолғулари ҳақида маълумотлар беришган.

Хўлоса

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 1, 2023

Хозирги кунда ижро этилаётган ялла, ашула, катта ашула, достон, чолғу куйлари ва мақомлар миллий мусиқанинг етук жанрлари хисобланади. Мумтоз мусиқа деганда, миллатга, яъни, ўзбек халқига мансуб, унинг етук созанда бастакорлари томонидан асрлар давомида яратилаган мусиқа санъати намуналари кўзда тутилади. Ушбу мусиқа бошқа мусиқа ижодиёти намуналаридан бир неча ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади.

Ўзбек анъанавий мусиқаси ўтмишдан икки йўналиш, яъни бир-биридан пайдо бўлувчи ва бир-бирини тўлдирувчи, шу билан бирга ўзининг алохида хусусиятлари ва сифатларига эга бўлган йўналишлардан ташкил топган. Булар биринчиси, мусиқа фольклори бўлса, иккинчиси ижодкорларнинг мусиқий тафаккури билан тўлдирилган мумтоз мусиқа йўналишидир. Хар икки йўналишнинг ўзгача услуби, йўналиши, хисоби бор.

1. Оғзаки ижодкорлик мумтоз мусиқа халқ томонидан яратилиб, оғиздан оғизга, авлодан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб келган ижод махсулидир. Қадим замонларда илк бор мусиқа намуналари омма (халқ) томонидан ижод қилинган.

2. Анъанавийлик мумтоз мусиқа намуналари анъана сифатида сақланиб, ривожланиб келмоқда.

Оғзаки анъанадаги професионал мусиқа деганда мураккаб холатда ривожланган қўшиқ ва ашулалар, мақомларни инобатга оламиз. Анъана деганда узоқ вақт давомида халқ тажрибасидан ўтиб, одат тусига кирган тадбир ёки хусусият тушунилади. Анъана ўзига хос ижтимоий ходиса бўлиб, кишиларнинг онгида, хаётида ўз ўринни топган, авлоддан авлодга ўтадиган, такрорланадиган, хаётнниг барча сохаларида қаъбул қилинган тартиб ва қоидалар силсиласиди. У кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддутда такрорланиб турувчи хатти харакатдир, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ атвор қоидалари ва кўникмалар, урф одат ва маросимлар йиғиндисидан иборатдир.

Анъанавий ҳаёт тарзи, ахлоқ меъёрлари ҳамда мусиқанинг маънавий озуқаси бўлган миллий мақом санъатида инсонни камолотга ундайдиган дунёқарашлардан келиб чиқувчи бой менталитет мавжуд. “Мақом – оҳангга жойлашган тафаккурдир. У қоғозга битилмаган, тошга ўйилмаган китоб ... унинг оҳанглари она заминга меҳр уйғотади”.

Анъанавий мусиқа бадиий жараён бўлиб, унга халқ томонидан яратилаган, асрлар оша устоз шогирд анъанаси асосида бизгача етиб келган халқ мусиқа ижоди ёки мусиқа фолклори ва етук созанда бастакорлар томонидан ижод этилган мумтоз мусиқаси киради. Бу ижодиёт намуналари оғзаки анъанада сақланиб, сайқал топиб, баркамол мусиқа асари сифатида ривожланиб келмоқда. Ўзбек мумтоз мусиқаси ўтмишдан ўзининг теран маънога эга эканлиги, мураккаб ва мукаммаллиги ҳамда беқиёс анъаналарни ўзида мужассам этганлиги билан ўзга халқлар мусиқасидан тубдан ажралиб туради. Мазкур мусиқа ижодиётида халқининг ўтмиш анъаналари, бой ва теран маъноларга асосланган тарихи мухрланган. Уларнинг ҳар бир намунаси тарихдан бир садодир. Бинобарин, уларни қанчалик ўрганмайлик, қанчалик сирларидан вофиқ бўлмайлик, шунчалик янги қирралари очилиб, ўзининг беназир хусусиятларини намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент.: Маънавият. 2008. Б- 143

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 1, 2023

2. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, назарий-методологик асослари, манбалари ва уни ўрганишнинг аҳамияти.

3. https://uz.denemetr.com/docs/768/index-280649-1.html

4. Саид Аҳмад. Илоҳий неъмат. –Тошкент.: Тафаккур журнали. 1994. № 1-сон. Б- 35

5. Madina Nasretdinova, Ulug'Bek Isakov, & Rustam Orziboyev (2022). XALQ IJODIYOTINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. Scientific progress, 3 (2), 851-856.

6. 11. Kambarav, A. A. (2020). ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(9), 158-165.

7. Toshaliev, D. (2021). A BRIEF PHILOSOPHICAL-SCIENTIFIC ANALYSIS OF MAKOMS. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(12), 91-95.

8. Mannopov, S. (2004). Uzbek folk music culture.(Study guide) Tashkent. New Age Generation.

9. Камбаров, А. А., & Нажметдинова, М. М. (2019). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ. In Условия социально-экономического развития общества: история и современность (pp. 148-151).

10. Ahadjonovich, K. A. (2021, January). SCIENTIFIC AND SPIRITUAL IN THE RISE OF SCIENCE THE IMPORTANCE OF HERITAGE. In EuroAsia Conferences (Vol. 1, No. 1, pp. 369-372).

11. Kakharovna, A. M., Tadjimatovich, Y. M., Rakhmatovich, S. O., & Mirzahamdamovna, Q. B. (2021). Modern Approaches to the Teaching of Fine Arts. Solid State Technology, 64(2), 4250-4254.

12. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(05), 251-258.

13. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In Archive of Conferences (pp. 49-52).

14. Курбонова, Б. (2017). РОЛЬ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В РАЗВИТИИ ДУХОВНОГО МИРОВОЗРЕНИЯ ЛИЧНОСТИ. Ученый XXI века, 48. ISSN: 2181-3337 SCIENC